

Жалолиддин ХОЛМУМИНОВ

БАРАКАНИНГ СИРИ



Тошкент 2013

УЎК: 297.1

КБК:86.38

Б 29

Барака – сирли ва илоҳий ҳолат. У кўзга кўринмайди, қўлда тутиб бўлмайди. Баракани фақат ҳис этиши мумкин.

Ушбу мўъжаз тўпламда бараканинг сири, унга етказувчи омиллар хусусида фикр юритилади. Содда баён ва равон услубда битилган ушбу рисола китобхонларни бефарқ қолдирмайди.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Холмўминов, Жалолиддин

Бараканинг сири/ Жалолиддин Холмўминов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур: – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013. – 60 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1278-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

УЎК: 297.1

КБК 86.38

ISBN 978-9943-12-222-2

© Жалолиддин ХОЛМЎМИНОВ

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013.



Сўзбоши ўрнида

Бандаларига ҳисобсиз неъматлар ато этган Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин! Неъматларни берувчи Зот ёлғиз Аллоҳ таоло эканини умматларига уқтирган Муҳаммад Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саловоту саломлар бўлсин!

2013 йил мамлакатимизда “Обод турмуш йили”, деб эълон қилинди. “Обод” сўзининг маъноси жуда кенг ва чуқур. У нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, файз-барака дегани ҳамдир. Турмуш фаровон, файзли ва баракали бўлишида соф исломий эътиқоднинг ўрни беқиёсдир.

Муҳтарам Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида диннинг ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, бундай деган: “Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда, асло, тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу

қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз”. Ҳақ гап. Ислом дини инсоннинг қалбини поклайди, маънавиятини бойитади. Инсоннинг қалби пок, маънавияти юксак бўлса, ҳаёти файз-баракага бурканади.

Тилимиздан аллақачон мустаҳкам ўрин эгаллаган “барака” сўзи арабча бўлиб, луғатда ҳиссий ёки ақлий ўсиш-улғайиш, ортиш, зиёда бўлиш маъноларини ифодалайди. “Баракаллоҳ”, “Барака топ”, “Аллоҳ сенга барака берсин” каби иборалар нуроний отахон-онахонларимизнинг дили ва тилига сингиб кетганки, шу калималар ила хайрихоҳ инсонларни олқишлайдилар. Бу билан жўмард инсонларнинг яхшиликлари янада зиёда бўлишини тилайдилар.

Барака оз нарсани кўпайтиради, кўпнинг фойдасини зиёда қилади.

Шундай инсонлар борки, уларнинг моддий даромадлари бошқаларникидан ортиқ эмас, бироқ Аллоҳ таоло унинг молига барака берган. Бундай инсонлар молларини исроф қилмай, фақат дунё ва охиратда фойда келтирадиган ўринларга сарфлайдилар. Ҳою ҳавас йўлида қарзга ботмайдилар.

Олийжаноб, диёнатли инсонлар умрларини Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиб, бандасига иззат ва ҳурмат билан ёндашиб, эл-юртга хизмат қилган ҳолда ўтказадилар. Уларнинг ҳар дақиқаси баракага бурканган, шу туфайли бир соатлик вақтлари баъзиларнинг бир кунидан-да баракалироқ бўлади.

Яна шундай тоифадаги одамлар борки, уларнинг топиш-тутишда на барака бор, на ҳузур-ҳаловат. Улар миллионларга эга бўлади, бироқ ҳақиқий ҳало-

ват–кўнгил хотиржамлигини ҳис этмаган ҳолда кун кечиради. Тунни эса турли ҳисоб-китоб, поёни йўқ ўй-хаёллар билан ўтказади. Кемтик дунёсининг бир томонини ямаса, иккинчи томони йиртилиб бораверади. Бир машаққатдан фориг бўлдим деганда, яна бошқаси пайдо бўлади. Аллоҳ таоло уни фарзанддан қисмаган, аммо кўзидан “Сендан қачон роҳат кўрарканмиз?” деган маъно учқунлайди.

Инсон доимо баракани истайди, унга эҳтиёж сезган ҳолатда умр кечиради. Баракага муҳтожлик ҳисси инсонни турли йўлларга ундайди. Баъзилар қайсидир “қабр”га бориб, барака сўраса, баъзилар фолбин-сеҳргарлар ҳузурига шошади. Астафти-руллоҳ!..

Қўлингиздаги тўпламда имкон қадар барака, унинг моҳияти, сир-асрорлари ва омиллари ҳақида сўз юритдик. Баракага путур етказувчи сабаблар хусусида ҳам тўхталдик. Барака – илму ҳунар ўрганиш, фаровон ҳаётга умид билан интилиш, меҳнатни севиш орқали юзага келиши, касб ва ҳунарнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти, тижорат, деҳқончилик ва чорвачиликнинг баракоти ҳақида ҳадис ва суннатдаги кўрсатмалар баён этилди. Тақво, тавба, истиғфор, шукр, хайр-эҳсон, силаи раҳм каби юксак қадриятлар қут-бараканинг айни сабаби экани эслатилди.

Дуо ҳам бараканинг ажралмас бўлагидир. Шу боис умид ила дуога қўл очилади, ижобати фақат Аллоҳдан сўралади. Бараканинг мўл-кўл бўлишида ихлос ва дуонинг аҳамияти жуда муҳим. Исрофни билиш ва ундан сақланиш ҳам бараканинг муҳим омилларидандир.

Ушбу ожизона меҳнатимизни Яратган хайрли ва баракотли қилсин.

Сатрларда билиб-билмай хато-камчиликларга йўл қўйган бўлсак, ходимингизни кечиргайсиз. Ушбуни ўқиб, ўзингизга бирор манфаат топсангиз, ҳақимизга дуо қилишингиздан умидимиз бор.

БИЛИМ ВА ҲУНАР ИНСОННИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИДИР

*Ўқув қут беради, билим – шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон.*

Юсуф Хос Хожиб

Инсон ҳаётда илм олишга муҳтож. Шунинг учун ҳам инсон бешиқдан қабргача илм излаб, малака ҳосил қилиш ва келажак авлодга етказиб беришга буюрилган. Муқаддас Ислом дини илм олишни фарз даражасига кўтарди.

Илм нур, зиёдир. Илм олиш билан ҳаётимиз, йўлимиз ёришади. Кимки илм шамини ёқа олса, ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди. Бизнинг боболаримиз шундай бўлганлар.

Ҳазрати Одамнинг (алайҳиссалом) фаришталар олдида улуғлиги илм билан бўлди, авлодларининг фазилати ва улуғлиги ҳам илм биландир. Дунё ва охиратда муваффақиятга эришиш, маънавий юксакликка кўтарилиш воситаси ҳам илмдир.

Буюклар илмни ширин мева деб билишган. Уни тоза, мусаффо ҳавога ҳам ўхшатишган. У билан нафас олиб, руҳий тушкунликларни, дард-аламларни унутишган.

Инсон учун ўқиш ва ўрганишдек шарафли нарсаяўқ аслида. Қуръони каримда илк тушган оят “**Ўқи!**” амри билан бошланиши ўқиш ва ўрганиш қанчалик улуғ эканига ёрқин далилдир. “Илм” сўзи Қуръони каримда саккиз юз ўн бир марта турли маъноларда келади.

Аллоҳ таоло, бундай марҳамат қилади:

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ ۚ وَاللَّهُ
بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ



Яъни: “... Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба) ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужодала, 11).

Ушбу ояти каримадан кўриниб турибдики, илмли кишиларнинг мартабаси Аллоҳ таолонинг наздида юксакдир.

Илмли киши вафот этгандан кейин ҳам номи ўчмайди. Илмли киши ўз ишини билиб қилади. Афсусга сабаб бўлмайдиган ишларни қилиш инсон ҳаётининг мазмуни ва баракасидир.

Илм – Аллоҳ таолони танишдан бошланади. Аллоҳ таолони танишдан бошланган илм баракали ва яхшиликлари кўп бўлади. Илм ўзликни англаш. Ўзлигини танимаган киши қурт-қумурсқа, парандаю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Аллоҳни, ўзлигини таниса, дунёга нима учун келганини билади. Дунёси ва охирати-ни обод қиладиган ишларни кўпайтиради. Зеро, амалсиз илм – пўстлоғи йўқ дарахт, либоссиз танадир. Халқимизда “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган гап бор. Бу ҳикматда ҳам илмига амал қилиш улуғланиб, амалсиз яшаш инсонни одабийлик сафидан чиқариши таъкидланмоқда.

Динимиз дунё ва охиратни обод қиладиган барча илмни эгаллашга буюради. Ҳазрат Али (розиаллоҳу анҳу) ҳар бир даврга хос бўлган илмларни эгаллашга ишора қилиб:

“رَبُّوا أَبْنَاءَكُمْ غَيْرَ تَرْبِيَتِكُمْ فَإِنَّهُمْ مَخْلُوقُونَ لَزَمَانٍ غَيْرِ زَمَانِكُمْ”

“Болаларингизга ўзингизникидан бошқа тарбияни (яъни шариат кўрсатмасидан чиқмаган ҳолда, ўзлари яшаётган давр илмларини) ўргатинглар, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа давр фарзандларидир”, деганлар.

Умар ибн Хаттоб (розиаллоҳу анҳу): “Илм ўрганиш – Аллоҳ таолодан қўрқиш; уни талаб қилиш – ибодат; билмаганга ўргатиш – садақа; уни ўз аҳлига ўргатиш қурбатдир. Илм танҳоликда ҳамроҳ, хилватда – дўст, тўғри йўлни кўрсатувчи далил, жаннат йўлининг минорасидир”, дейди.

Ҳакимлар: “Илм ўрганинг, зеро, у фақирликда давлат, бойликда зийнатдир”, деганлар.

Инсоннинг келажакда аҳли солиҳ, баркамол бўлиб етишиши аввало, ёшлигида олган одоб-ахлоқи ҳамда илм-маърифатига боғлиқдир. Баъзилар илм ва касбни бир-биридан ажратиб, бири иккинчисидан афзаллиги борасида баҳс қиладилар. Аслида илм ва касб бир-бирига боғлиқ. Илм билан касб ўрганилади, касб ўрганиш эса айна илмдир.

Ёшларнинг келажакда бирор касб-хунар эгаси бўлишлари биринчи навбатда ўзларининг, қолаверса, ота-оналарининг ҳам орзу-умидлари саналади.

Ёшларни маънавиятга, илм-ҳунар эгаллашга тарғиб қилиш жамиятнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Фарзандларимизга илмий-маънавий меросимизни ўргатиш билан бирга, замонавий фан-техника соҳасидаги барча илмларни етарли даражада билишларини таъминлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Бугун юртимиз ёшлари касб-ҳунар коллежларида таълим ва амалиёт уйғунлигида ўсиб-улғаймоқда. Олаётган билимлари ва ўрганаётган касб-ҳунарлари уларга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолишини тилаймиз, иншааллоҳ!...

ҲУНАРДАН БАРАКА УНАР

*Бир ҳунар эгаси бўлса одам гар,
У эмас, кўрсатур ўзин шу ҳунар.*

Саъдий Шерозий

Муқаддас динимиз бировга боқиманда бўлиш ёки тарки дунё қилишдан қайтарган. Тама инсон қадрини ерга уради. Инсон ҳаётда касб-ҳунар эгаллаб, неъматларга шукр қилиб яшаши, топганини хайрли мақсадларга йўналтириши ҳар банданинг бурчи эканлиги қуйидаги ояти каримада баён қилинган:

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنَ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفُسَادَ فِي الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ



Яъни: “Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас” (Қасос, 77).

Касб қилиш ўта аҳамиятли бўлганидан Аллоҳ таоло пайғамбарларга ваҳий орқали баъзи ҳунарлардан таълим берган. Ҳазрат Одамга (алайҳиссалом) Аллоҳ таоло илм бериб, мингта касбни ўргатди. Ҳазрат Нухга (алайҳиссалом) эса бундай деган:

وَأَصْنَعِ الْفُلْكَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحْيِنَا

Яъни: “**Бизнинг кузатувимиз ва ваҳийимиз** (амримиз) **билан кемани ясагин**” (Худ, 37).

Шу тариқа Нух (алайҳиссалом) кема ясади.

Довуд (алайҳиссалом) ҳақида бундай деган:

وَعَلَّمْنَاهُ صَنْعَةَ لَبُؤْسٍ لَّكُمْ لِنُحْصِنَكُمْ مِّنْ بَأْسِكُمْ فَهَلْ
أَنْتُمْ شَاكِرُونَ

Яъни: “**Унга (Довудга) сизларга зиён етишидан сақлайдиган совут яшаш санъатини таълим бердик. Бас, сизлар шукр қилувчимисиз?!**” (Анбиё, 80).

Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб, бундай деган: “Эй ўғилгинам, ҳалол касб қилиб, фақирликдан сақлан, чунки ким фақир бўлса, унга учта салбий ҳолат етади. Динида енгил-елпилик, ақлида заифлик ва мурувватсизлик. Булардан ҳам ёмонроғи, одамларнинг унга беписанд қарашларидир.”

Юртимизда касб билан шуғулланган одам алоҳида эъзозлаб келинган. Бу ўринда Амир Темур бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деган сўзларини эслаш кифоя.

Абдурахмон Жомий айтади:

Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лоф урса, одамдан йироқ.
Мевали дарахтнинг мевасиз шохи
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ.

Ота-оналар фарзандларига одоб-ахлоқ билан бирга касб-хунар ўргатиши жуда муҳимдир. Фикҳ китобиларида ёш болани қарамоғига олган васийга уни уйлантириш вожиб эмас, лекин касб ўргатиши вожибдир, дейилади.

عن ابن عمر رضي الله عنه عن النبي ﷺ قال: "إن الله يحب المؤمن المحترف"

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло касб қилувчи мўминни яхши кўради”, деганлар (*Табароний ривояти*).

Касб-хунарли кишини Аллоҳ таоло яхши кўради. Касб-хунар сабабли уни ризқлантиради ва барака беради.

عن عائشة رضي الله عنها قالت: قال رسول الله ﷺ: "من أمسى كالا من عمل يده أمسى مغفورا له"

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким кўл меҳнати сабабли чарчаб, кунни кеч қилса, гуноҳлари кечирилган ҳолда кунни кеч қилибди”, деганлар (*Табароний ривояти*).

Қаранг, ризқ талабида меҳнат ва ҳаракат қилган инсоннинг гуноҳлари кечирилиши айтилмоқда. Демак, зиммасидаги вожиб нафақаларни адо қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилган киши икки дунё саодатига эришади. Бандага бундан ҳам ортиқ неъмат борми?!

ЭРТАДАН УМИДИНГ БЎЛМАСА, КЕЛАЖАККА ҚИЗИҚИШИНГ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

Умид қилдим – етдим,
Ноумид бўлдим – йиқилдим.

(Мақол)

Инсоннинг саодатли ҳаёт кечириши, ишлари унумли ва баракали бўлишида эртанги кунга нисбатан умиднинг ўрни беқиёсдир. Инсонни касб ва меҳнат қилишга ундайдиган куч ҳам шу. Ғайрат ва иштиёқни уйғотадиган, дангасалик ва ялқовликни кетказадиган омил ҳам умиддир.

Умидни янада яхшироқ тушуниш, ҳис этиш учун унинг зидди бўлган умидсизликни билиш керак. Умидсизлик – ишончни сўндирувчи иллат. У бирор ишга қўл уришдан қайтаради. Жасаддаги қувватни сустлаштириб, йўққа чиқаради.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): “Инсонни икки нарсаси ҳалок қилади: умидсизлик ва манманлик!” деганлар.

Масалан, талаба имтиҳондан ўтишига умид қилмаса, ўқиш-ёзишни йиғиштириб қўяди. Синфхона унга торлик қилади. Ўқимаслик учун ҳар нарсадан баҳона излайверади. Энг ёмони, ўша “баҳона” тез топилади.

Бемор соғайишдан умидини узса, на табиб сўзи, на муолажа кор қилади. Ҳеч қандай малҳам наф бермайди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَلَا تَأْتِسُوا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِنَّهُ لَا يَأْتِسُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ
الْكَاْفِرُونَ



Яъни: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур” (Юсуф, 87).

Динимиз таълимоти ялқовлик, боқимандалик каби зарарли иллатларни қатъий қоралаб, инсонларни ҳалол ризқ топиш йўлида чин ихлос билан меҳнат қилишга буюради.

Ҳар қандай муваффақият осонлик билан қўлга киритилмаслиги маълум. Илм, касб-хунар эгаллаш, дунё фаровонлиги ва охират ободлиги – ҳамма-ҳаммаси инсон ҳаракати сабаб ҳосил бўлади. Бунинг учун инсонда ишонч, умид бўлиши кифоя. Умид қалб амалидир. Ҳар бир инсонни унинг қалби бошқаради. Қалбдаги яхши ният ва олий мақсадлар кишига шижоат ва ғайрат бағишлайди. Қалбида пок нияти бўлмаган киши бирор ишга қўл урмайди, киришмайди, киришса ҳам, ишини тугатмайди. “Бирор билим юртни амаллаб тугатсам...” деган инсон шундан нарига ўтмайди. Нолигани сайин иши орқага кетаверади. Унинг дардига даво меҳнатдир.

Хоҳиш ҳеч нарсани ҳал қилмайди, натижага эришиш учун ҳаракат қилиш керак. Ҳаракатдан тўхтамаган бирор натижага эришмай қолмайди.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Дунёда эртага вафот этадигандек ибодат қил, абадий турадигандек яша” деб, ғайратли бўлишга ундаган.

Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! Миллатимиз меҳнатни севади, меҳнаткашни қадрлайди. Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, файзу баракот ҳалол меҳнат биландир.

САВДОДАГИ БАРАКА

Манфаати умумий, сердаромад ва баракали касб тижорат ҳисобланади. Инсон ҳаёти давомида доимо савдо қилишга эҳтиёжманд бўлиб яшайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалол тижоратни «Касбларнинг энг яхшиси», дея мақтаганлар:

عن معاذ رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: ”إن أطيب الكسب كسب التجار الذين إذا حدثوا لم يكذبوا وإذا أؤتمنوا لم يخونوا وإذا وعدوا لم يخلفوا؛ وإذا اشتروا لم يذموا وإذا باعوا لم يظروا وإذا كان عليهم لم يطلوا وإذا كان لهم لم يعسروا“.

Муоздан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Касбларнинг яхшироғи гапирганида ёлғон ишлатмайдиган, омонат қўйилганида хиёнат қилмайдиган, ваъда берганида хилоф қилмайдиган, сотиб олганида ёмонламайдиган, сотган вақтларида алдамайдиган, беришда чўзмайдиган, олишда қийнамайдиган тижоратчиларнинг касбидир”, деганлар» (Байҳақий ривояти).

Тижоратнинг баракаси – савдонинг ҳалол бўлишига боғлиқ. Агар савдога ёлғон аралашса, хиёнат қилинса, унинг баракаси кетади. Арпа, буғдой

каби донларни намлаб ёки тупроқ аралаштириб сотиш ёки қўй гўштига эчки гўштини аралаштириб сотиш савдонинг баракасини кетказадиган хиёнат ҳисобланади.

عن حكيم بن حزام رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: ”البيعان بالخيار ما لم يتفرقا فإن صدقا وبينا بورك لهما في بيعهما وإن كتما وكذبا محقت بركة بيعهما“

Ҳаким ибн Ҳизомдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Сотувчи ва харидор ҳали ажрашмаган (яъни, ижоб ва қабул билан савдони тугатмаган экан, савдо ақдида) ихтиёрлидир. Агар иккови ҳам рост гапирса, молнинг айб, нуқсонини баён қилса, савдоларига барака берилади. Агар (айбини) яширса ва ёлғон аралаштирса, савдоларидан барака ўчирилади” (*Муттафақун алайҳ*).

Савдо ёки бошқа муомалаларда бўлсин, инсон ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди. Ҳамма ҳам нарса сотиб олишда алданишни ёмон кўради. Алданишни ёмон кўрган киши бошқаларни ҳам алдамаслиги лозим:

عن أنس رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: ”لا يؤمن أحدكم حتى يحب لأخيه ما يحب لنفسه“

Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) деди-

лар: “Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсасини биродарига ҳам яхши кўрмагунича мўмин бўла олмайди” (*Муслим ривояти*).

Хулоса қилиб айтсак, ҳалол-пок йўллар билан тижорат қилиш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақтаганларидек, энг баракали касбдир.

БОҒБОН БОҒНИ ЮРАГИДА КЎКАРТИРАДИ

*Қимирлаган жонга наф берар улар,
Очлик, чанқоқликни даф қилар улар.
Нафас олган бутун тирик жонивор
Деҳқондан бўлмоғи керак миннатдор.*

Юсуф Хос Ҳожиб

Аллоҳ таоло ер юзини инсон учун обод қилиб, барча шароитларни яратди. У Зот ерни инсон учун бешик қилди. Тоғларни қозиқ қилиб яратди. Осмондан ёғдирган баракот сувлари билан дарахтлар, ўт-ўлан ва барча набототларни ўстириб, инсонлар ва ҳайвонларга ризқ қилиб берди.

Аллоҳ таоло инсонни тупроқдан яратиб, зиммасига ер юзини обод қилишни юклади. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилади:

هُوَ أَنشَأَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا

Яъни, “У сизларни ердан пайдо этиб, сизларни уни обод этувчи қилди” (Худ, 61).

Муқаддас динимиз деҳқончилик ва боғдорчилик ишларига катта эътибор беради ва тарғиб қилади. Бу ҳақда Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

عن أنس رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: “ما من مسلم يغرس غرسا أو يزرع زرعاً فيأكل منه إنسان أو طير أو بهيمة إلا كانت له صدقة”

Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир мусулмон бир дарахт ўтқазса ёки бир экин экса ва унинг мевасидан инсон ё қуш ёки ҳайвон еса, унга садақанинг савоби бордир”, деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

عن جابر رضي الله عنه : أن النبي ﷺ قال: “من أحيا أرضاً ميتة ثقة بالله واحتساباً كان حقاً على الله تعالى أن يعينه وأن يبارك له“.

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ишониб, савоб умидида қаровсиз ерни обод қилса, Аллоҳ унинг ишига ёрдам ва барака беради”, деганлар (*Табароний ривояти*).

Халқимизда “Уруғинг билан эмас, ҳосилинг билан мактан”, деган нақл бор. Деҳқон ишини ихлос ва ҳосилдан ушр беришни қасд қилиб, Аллоҳ таолодан барака сўраган ҳолда ҳаракат қилса, албатта ниятига етади.

عَنْ رِفَاعَةَ بْنِ رَافِعٍ رضي الله عنه : أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ سُئِلَ: أَيُّ الْكَسْبِ أَطْيَبُ؟ قَالَ: “عَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ وَكُلُّ بَيْعٍ مَبْرُورٍ“.

Рифоъа ибн Рофиъдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қайси касб афзаллиги ҳақида сўралди. Шунда у зот: “Кишининг ўз қўли билан қилган иши ва ҳар бир ҳалол савдо” деганлар (*Баззор ривоят қилган, Ҳоким саҳиҳ деган*).

Ушбу ҳадисда қўл меҳнати тижоратдан олдин зикр қилингани учун у энг афзал ишдир. Ушбу ҳадис шарҳида уламолар турли фикрлар билдиришган.

Мовардий: “Касбларнинг энг афзали – деҳқончилик, тижорат ва саноатдир”, деганлар.

Имом Нававий: “Касбларнинг энг яхшиси қўл меҳнати билан қилинган иш бўлса, деҳқончилик энг яхшисидир, чунки унда қўл меҳнати ҳам бор. Аллоҳга таваккал қилиш, инсон ва ҳайвонларга ҳам манфаат етказиш бор”, деганлар.

Демак, юртнинг ободлиги, тўкин ва фаровонлиги инсоннинг аввало, шу азиз заминга меҳр қўйишидан бошланади.

Она диёримизнинг, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчилар учун моддий фаровонлик деҳқончилик ва зироатдан экани яхши маълум. Улар дастурхонимизга қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб бермоқдалар. Бу халқимизнинг ризқу рўзи, насибаси, аввало, деҳқонлар меҳнатига боғлиқ эканини билдиради.

Ўзбекистон шундай диёрки, халқи меҳнаткаш, тупроғи серунум, об-ҳавоси мўътадил, оқар сувлари бор. Бу эса деҳқончилик учун жуда ҳам яхши ҳолатдир. Демак, Аллоҳ таоло бизга шундай диёрда яшашни раво кўрган экан, бундан унумли фойдаланишимиз керак. Деҳқончилик нафақат тирикчилик манбаи, балки охират учун ҳам имконият эканини ҳис этсак, иншааллоҳ, икки дунёмиз обод бўлади.

ЧОРВАДОРНИНГ БУГУНГИ БИРИ, ЭРТАНИНГ ИККИСИДИР

Инсонни мукаррам қилиб яратган Аллоҳ таоло унга ададсиз неъматлар берди. Ана шу неъматлардан бири – чорва ҳайвонларини инсонга бўйсундириб, ундан кўп манфаатлар кўрадиган қилди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا خَلَقْنَا لَهُمْ مِمَّا عَمِلَتْ أَيْدِينَا أَنْعَمًا فَهُمْ لَهَا
مَالِكُونَ ﴿٧١﴾ وَذَلَّلْنَاهَا لَهُمْ فَمِنْهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَهُمْ
فِيهَا مَنَافِعُ وَمَشَارِبٌ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾

Яъни: “Ахир улар учун Ўз «қўлимиз» иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Мана улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар. Биз ўша (ҳайвон)ларни уларга бўйсундириб қўйганмиз. Яна уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)лардан ва ўшалардан (гўштларидан) егайлар. Яна улар учун ўша (ҳайвон)ларда (турли) фойдалар ва ичимлик (сут-қаймоқ)лар бордир. Ахир, шукр қилмайдиларми?” (Ёсин, 71–73).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло ҳайвонларни инсон учун яратганини зикр қилиб, бандасини шукрга чақиряпти. Чорва ҳайвонларида инсоният учун кўплаб манфаатлар бор. Яъни, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади. Юнгларида иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилувчи кийимлар тўқилади.

Аллоҳ таоло баъзи ҳайвонлар гўштини ейиш-ни ҳалол қилди.

عن أم هانئ رضي الله عنها قالت: دخل النبي ﷺ فقال: "ما لي لا أرى عندك من البركات شيئاً؟" فقلت: وأي بركات تريد؟ قال: "إن الله أنزل بركات ثلاثاً: الشاة والنخلة والنار".

Умми Ҳонийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизларнинг ҳузурингизда баракадан ҳеч нарса кўрмаяпман”, дедилар. Мен: “Қайси баракани айтяпсиз?” деб сўрадим. Шунда у зот: “Аллоҳ таоло уч нарсага: қўйга, хурмога ва оловга барака берди”, дедилар (Имом Табароний “ал-Кабир”да ривоят қилган).

Модомики чорва ҳайвонлари инсон учун неъмат қилиб берилган экан, уларга яхши муносабатда бўлиш талаб этилади. Акс ҳолда, неъматга ношукрлик бўлади.

عن سهل بن حنظلة رضي الله عنه: أن رسول الله ﷺ مر ببعير قد لحق ظهره ببطنه فقال: «اتقوا الله في هذه البهائم المعجمة اركبوها صالحة وكلوها صالحة»

Саҳл ибн Ҳанзаладан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир туянинг олдидан ўтдилар. У туя озғинлигидан эти суягига ёпишиб кетган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу тилсиз

хайвонлар тўғрисида Аллоҳ таолодан қўрқинглар! Уларни яроқли ҳолатида мининглар ва (сўйиб) енглар”, дедилар (*Ибн Хузайма ривояти*).

Хайвонларга раҳм қилган кишига Аллоҳ таоло раҳм қилади. Сахрода чанқаган итга сув тутган аёлга жаннат башорати берилгани ҳақидаги машҳур ривоят ёрқин бунга далилдир. Аллоҳ таоло неъмат қилиб берган жониворларни боқиш, вақтида суви ва емини беришда савоб бор. Бу мулкка барака киришининг яна бир сабабидир. Сўйсангиз – гўштида, сотсангиз – пулида барака бўлади. Иқтисодиёт барқарор ривожланишида чорвачиликнинг аҳамияти каттадир.

БАРАКАНИНГ САБАБЛАРИ

1. Тақво
2. Тавба ва истиғфор
3. Шукр
4. Аллоҳ таолога таваккал
5. Аллоҳ таоло йўлида хайр-эҳсон
6. Ҳалол мол-давлат
7. Силаи раҳм
8. Эрта туриш
9. Истихора ва маслаҳат

1. ТАҚВО

“Тақво” сўзининг луғавий маъноси сақланиш, эҳтиёт бўлиш, деганидир. Шаръий истилоҳда эса: «Тақво турли маломат ва азоб-уқубатлардан сақланиш учун уларнинг сабабларидан узоқда бўлиш, Аллоҳнинг амларини адо этишдир”.

Ҳазрат Алидан (розияллоҳу анҳу) тақвонинг маъноси ҳақида сўрадилар. Шунда у зот: “Тақво – Аллоҳдан қўрқиш, Қуръони каримга амал қилиш, озга қаноат қилиш ва охират кунига тайёргарлик кўриш”, деб жавоб берди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): “Тақво исён қилмаслик, итоат қилиш. Аллоҳни унутмаслик, уни зикр этиш. Шукр қилиш, куфр келтирмасликдир”, дейди.

Абу Ҳурайрага (розияллоҳу анҳу) бир киши: “Тақво нима?” деб савол берди. Шунда: “Ялангоёқ янтоқзордан юрганмисан?” дедилар. У киши: “Ҳа, юрганман”, деди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу

анху): Тақво – янтоқзорда яланг оёғингни тиконлардан сақлаб юрганингдек, гуноҳ ва хатолардан сақланишингдир”, деди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ۖ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ ۚ
وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ۚ إِنَّ اللَّهَ بَلِغُ أَمْرِهِ ۚ قَدْ جَعَلَ
اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ﴿٢﴾

Яъни: “Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур. Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир” (Талоқ, 2–3).

Ушбу оятнинг тафсирида қуйидаги ҳадиси шариф келтирилади:

عن أبي ذر رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: ”إني لأعلم آية لو
أخذ الناس بها لكفتهم ﴿وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا﴾ ﴿٢﴾“
فما زال يقرؤها ويعيدها.

Абу Заррдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен бир оятни биламан, агар у оятни инсонлар ўзларига олсалар, уларга кифоя қилади”, деб, “Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан)

чиқиш йўлини (пайдо) **қилур**” оятини узоқ вақт қайта-қайта ўқидилар” (*Доримий ривояти*).

Солиҳ кишилардан бирига “Нарх-наволар кўтарилиб кетди”, деб шикоят қилинди. Шунда у зот: “Тақво билан уни туширинглар”, деди.

Ҳамма хайр-барака тақвода. Аллоҳ таоло тақво қилган кишининг йўлини очиб қўяди. Ким ризқи, моли, фарзанди ва ишларида барака бўлишини хоҳласа, тақво йўлини тутсин.

2. ТАВБА ВА ИСТИҒФОР

“Тавба” луғатда гуноҳдан қайтиш маъносида келади. Исфохоний бу сўзни қуйдагича таърифлайди: “Тавба гуноҳни буткул тарк қилиш, ўтган гуноҳларига пушаймон бўлиш, қайтиб гуноҳ қилмасликка қасд этиш ва хатони имкони борида тўғрилаб қўйишдир. Қачон мазкур тўрт иш жамланса, тавба комил бўлади”.

Истиғфор эса Аллоҳ таолодан мағфиратни, гуноҳларни кечиришини сўрашдир. Тавба ва истиғфор билан инсоннинг гуноҳи кечирилади, қалб юмшайди, ғам-ташвиш кетади. Чин тавба этса, Аллоҳ таолонинг изни ила ризқида файз-барака зиёда бўлади.

أَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا ﴿١١﴾ وَيُمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ وَيَنْبِتْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا ﴿١٢﴾

Яъни: **“Раббингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранг, албатта, У ўта кечиримли зотдир. Шунда У устиларингизга осмондан ёмғир ёғдирур. Сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (ато) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур”** (Нух, 10–12).

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) олдиларига бир киши қурғоқчиликдан шикоят қилиб келди. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) унга: “Туноҳларингга истиғфор айт”, деди. Иккинчи бир киши ўзининг камбағаллигидан, бошқаси насли камлигидан, яна бири еридан даромади озлигидан шикоят қилди. Уларнинг ҳаммаси истиғфор айтишга буюрилди. Шунда даврада ўтирган бир киши Ҳасан Басрийга (раҳматуллоҳи алайҳ) мурожаат қилиб: “Эй имом, сизга одамлар турли хожатларини шикоят қилдилар, сиз эса уларнинг ҳаммасига бир хил жавоб бердингиз?” деб сўради. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) бу саволга жавоб тариқасида юқорида келтирилган оятларни ўқиб бердилар.

Ривоят қилинишича, Мусо (алайҳиссалом) даврида Бани Исроил қавмига қаҳатчилик етибди. Одамлар Мусо (алайҳиссалом) ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг пайғамбари, Раббингга дуо қил, бизга ёмғир ёғдирсин”, деб ўтинди. Мусо (алайҳиссалом) улар билан бирга саҳрога чиқдилар. Улар етмиш минг ёки ундан зиёд эдилар. Мусо (алайҳиссалом) дуо қилиб: “Илоҳим, бизга ёмғирингни ёғдир ва раҳматингни тушир, эмадиган гўдаклар, ўтлайдиган ҳайвонлар ва қариларнинг сабабидан бизга раҳм қил”, деди. Дуо-

дан сўнг қуёш ҳарорати яна-да зиёдалашди. Мусо (алайҳиссалом) таажжубга тушиб, Раббисидан бунинг боисини сўраган эди, Аллоҳ ваҳий қилиб: “Орангизда қирқ йилдан бери гуноҳ қилиб, Менга осий бўлиб келаётган банда бор, шу банда сафдан чиқсин, унинг сабабидан ёмғирни тўхтатиб турибман”, деди. Мусо (алайҳиссалом): “Илоҳи, Хожам, мен бир заиф банда бўлсам, овозим ҳам кучсиз бўлса, қаерга ҳам етарди, улар етмиш мингдан зиёддир”, деди. Аллоҳ таоло: “Сендан нидо, етказиш эса биздан”, деб ваҳий қилди. Шунда Мусо (алайҳиссалом) туриб: “Эй қирқ йилдан бери гуноҳ қилиб, Аллоҳга осий бўлиб келаётган банда, орамиздан чиқ, сенинг сабабингдан ёмғир тўхтаб турибди”, деб нидо қилди.

Гуноҳкор банда ўнг ва чап ёнига қаради, лекин ҳеч кимнинг чиққанини кўрмади. Билдики, талаб қилинаётган киши ўзи экан. Ночор қолган гуноҳкор киши, агар жамоатдан чиқсам, шарманда бўламан, чиқмасам, менинг сабабимдан ёмғир ёғмайди, деб ўйлади ва гуноҳларига қаттиқ пусшаймон бўлиб, Аллоҳга илтижо қилди: “Парвардигоро, қирқ йил гуноҳ қилдим, (азоб юбормасдан, шарманда қилмасдан) муҳлат бердинг. Энди эса сенга итоат қилиб сўрайман, тавбамни қабул қилгин”. Банда ҳали гапини тугатмасидан осмонга булут келиб, меш оғзидан сув тўкилган каби ёмғир ёға бошлади.

Мусо (алайҳиссалом): “Илоҳо, Хожам, гуноҳкор банданг орамиздан чиқмади-ку, нима учун ёмғир ёғдирыпсан?” деди. Аллоҳ таоло: “Эй Мусо, шу (тавба қилган) банда сабабидан ёмғир ёғдирыпман”,

деди. Мусо (алайҳиссалом): “Илоҳо, менга ўша бандангни кўрсат”, деди. Аллоҳ таоло: “Мен уни гуноҳ қилиб юрган вақтида шарманда қилмадим, энди итоатгўй бўлганида шарманда қиламанми?” деди.

Қуръони каримнинг кўпгина оятларида, шунингдек, қатор ҳадиси шарифларда қалб поклиги, ҳидоятда бўлиш – ризқнинг мўллиги, фаровонлик ва тўкинлик омили экани таъкидланган.

3. ШУКР

“Шукр” сўзи луғатда неъматни кўрсатиш, неъмат берувчига сано ва мақтов айтиш маъноларини ифодалайди. Истилоҳда эса шукр неъмат берувчи Зотни таниш ва Унинг неъматларини эътироф этишдир. Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматлари ҳисобсиз эканини эса ҳар қанча таъкидласак оз.

وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا

Яъни: “Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз” (Наҳл, 18).

Инсон Аллоҳ таоло берган неъматларнинг бардавом ва зиёда бўлишини хоҳлайди. Шукр қилиш неъматлар бардавом ва баракали бўлиши гаровидир. Зеро, Қуръони каримда шукр сабабидан неъматлари зиёда бўлиши ваъдаси ҳам берилган:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِنْ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ

Яъни: «**Яна Раббингиз эълон қилган** (бу сўзлар)ни эсланг: “**Қасамки, агар** (берган неъматларимга) **шукр қилсангиз, албатта,** (уларни янада) **зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим** (ҳам) **жуда қаттиқдир**”» (*Иброҳим, 7*).

Шукрнинг даражалари кўп:

Банданинг ўзига берилган неъматларга шукрини адо этишдан ожизлигини билиши ҳам шукрдир. Аллоҳнинг буюк мағфиратини англаш ҳам шукр этишдир. Ўзи муносиб бўлмаса ҳам, Аллоҳ неъматларни бериб қўйганини эътироф этиш ҳам шукрдир.

Неъмат келганида чиройли тавозе кўрсатиш ва Аллоҳга бўйин эгиш – шукр. Восита бўлганларга раҳмат-миннатдорчилик айтиш ҳам шукрдир.

Неъмат берувчи Зотга итоатсизликдан сақланиш ва чиройли одоб кўрсатиш ҳам шукрдир.

Неъматни чиройли қабул қилиб олиш, озини ҳам кўп деб билиш – шукрдир.

Шукр ва сабр ҳамиша ёнма-ён юради. Аллоҳнинг бандага юборган синов-мусибатларига сабр қилиш шукрнинг энг яхши кўринишидир.

Ҳикоят: Иброҳим ибн Адҳам ҳажга пиёда йўл олди. Уни бир туя миниб кетаётган киши кўриб: “Эй Иброҳим, қаерга йўл олдингиз?” дея сўради.

Иброҳим ибн Адҳам: “Ҳажга кетяпман”, деди.

У киши: “Йўл олис-ку, уловингиз қани?”.

Иброҳим ибн Адҳам: “Менинг уловларим кўп, фақат сиз уларни кўрмаяпсиз”.

У киши: “Нима у?”.

Иброҳим ибн Адҳам: “Агар менга бирор мусибат етса, сабр уловига минаман. Агар бирор неъмат етса, шукр уловига минаман. Агар тақдирдан бирор кор ҳол бўлса, ризолик уловига минаман”, деди.

Шунда ҳалиги одам: “Аслида сиз уловда, мен эса пиёда эканман”, деди.

4. АЛЛОҲ ТАОЛОГА ТАВАККАЛ

“Таваккал” сўзи луғатда “ишни ўзгага топшириш”, “бошқага суяниш” ва “умид қилиш” каби маъноларни англатади.

Доктор Аҳмад Фарид “Баҳрур роиқ” китобида: “Дунё ва охират ишларидаги манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни даф қилишда қалбнинг Аллоҳ таолога ҳаққоний суяниши, таваккал деб аталади”, деб ёзади.

Демак, таваккал дейилганида, банданинг Аллоҳ таолога тўлиқ суяниши тушунилади.

Уламолар ҳақиқий таваккални ёш гўдакнинг онасига суянишига ўхшатишган. Яъни, ёш гўдак нима сўрови бўлса, онасидан сўрайди, бор умидини онасига боғлайди, барча ишларида фақат онасига суянади. Аллоҳга ана шундай суяниш ҳақиқий таваккал бўлади.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ҳақиқий таваккалнинг қандай улуғ самаралар бериши баён қилинган.

وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ

Яъни: “Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга кифоя қилар...” (Талок, 3).

Ҳадиси шарифда Аллоҳга таваккал қилувчилар инсонларнинг кучлилари экани айтилган.

عن ابن عباس رضي الله عنه أن رسول الله ﷺ قال: "من أحب أن يكون أقوى الناس فليتوكل على الله ومن أحب أن يكون أكرم الناس فليثق الله ومن أحب أن يكون أغنى الناس فليكن بما في يد الله أوثق منه بما في يديه"

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: "Ким инсонларнинг кучлироғи бўлишни яхши кўрса, Аллоҳга таваккал қилсин; ким инсонларнинг ҳурматлироғи бўлишни яхши кўрса, Аллоҳга тақво қилсин; ким инсонларнинг бойбадавлатроғи бўлишни яхши кўрса, унинг учун ўзининг қўлидаги нарса эмас, Аллоҳ изнидаги нарса ишончлироқ бўлсин» (Абу Нуъайм "Ҳиляда"да ривоят қилган).

Мусулмон киши барча ишларида Аллоҳ таолога суянгани боис қалби тинч, нафси хотиржам, исломи гўзал бўлади.

Аллоҳга таваккал қилиш жамият тараққиёти, барқарорлигида ҳам муҳим омил ҳисобланади. Яъни, Аллоҳга таваккал қилган инсон ўзгаларнинг молига кўз олайтирмайди, тама қилмайди, шариат ман қилган ишлардан тийилади. Чунки у ризқ борасида сабабларга эмас, балки сабаблар яратган Аллоҳ таолога суянади.

Таваккал қалбга хос тушунча. Демак, тил билан сўзлаш, аъзолар билан ҳаракат қилишда тавак-

кал қилишга ўрин йўқдир. Масалан, деҳқоннинг уруғни вақтида қадамасдан, экинга ишлов бермасдан, мўл ҳосил олиш учун Аллоҳга таваккал қилдим, дейиши таваккал эмас. Бу шариатни тушунмаслик ва кўрсатмаларини бажармасликдир. Уруғни ўз вақтида қадаш, экинни парвариш қилиш – мўл ҳосил олишга сабаб, холос. Бу ишларни амалга ошириб, сўнгра мўл ҳосил олиш умидида Аллоҳга таввакал қилиш ва Унга суяниш ҳақиқий таваккал бўлади.

Бандалар ризқ талабида ҳаракат қилишлари керак. Натижа эса Аллоҳдан бўлади. Жуда катта меҳнат-машаққатлар билан ҳеч қандай натижага эришмаслик ёки озгина ҳаракат билан улкан фойдалар олиш мумкин. Эътибор берилса, бундай ҳолатда ризқ берувчи ёлғиз Аллоҳ таоло эканига ва натижа тамоман Унинг қўлида эканига далил ва исбот бор.

Хулоса қилиб айтсак, натижа сабаблардан эмас, Аллоҳ таолодан эканига қалбан ишониш – ҳақиқий таваккал ҳисобланади.

5. АЛЛОҲ ТАОЛО ЙЎЛИДА ХАЙР-ЭҲСОН

“Эҳсон” сўзи луғатда яхшилик қилиш, эзгулик кўрсатиш маъноларини англатиб, одатда бировга бирор неъматни бериш, фазлу карам кўрсатиш тушунилади. Хайр-эҳсон инсоннинг умрига, касбу корига ва хонадонига файз-барака ёғилишига сабаб бўлади.

Қуръони каримда марҳамат қилинади:

مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ
 أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِائَةُ حَبَّةٍ ^فوَاللَّهُ يُضَعِفُ لِمَنْ
 يَشَاءُ ^فوَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ

Яъни: “Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайди, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир” (Бақара, 261).

Ушбу ояти каримада хайр-эҳсон, нафақа қилишнинг фойдаси ажойиб услубда васф этилмоқда. Сиртдан қаралса, хайр-эҳсон қилган кишининг мол-дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса хайр-эҳсон ерга қадалган донга ўхшайди. Ўша бир дон кейинчалик униб чиқиб, кўпайганидек, хайр-эҳсон қилинган мол ҳам бир неча чандон кўпайиб кетади. Уни Аллоҳ таоло кўпайтириб беради. Донни мисол келтиришдан мурод Аллоҳ йўлида эҳсон қилинган бир нарсга етти юз мартагача кўпайиши мумкин деб, урғу беришдир.

قُلْ إِنْ رَبِّي يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ وَمَا
 أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ ^فوَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ

Яъни: “Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (мухтожларга холис) эҳсон қилсангиз,

бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқ-лантирувчиларнинг яхшисидир” (Сабаъ, 39).

Ризқ берувчи ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзидир. Хоҳлаган бандасининг ризқни кенг, бой-бадавлат қилиб, шукр қиладими-йўқми, синайди. Хоҳлаган бандасининг ризқини танг қилиб, сабр ёки безовталиқда имтиҳон қилади. Ризқнинг кенг ёки танг бўлиши синов ва имтиҳондан бошқа нарса эмас. Лекин кўп одамлар буни билмайди. Дунёда кенг ризқ билан бой-бадавлат яшаётган кишилар мулкнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг мулки, менинг қўлимда омонат мол, деб Аллоҳ таоло буюрган йўлларга инфоқ-эҳсон қилса, молу дунёлари ҳеч зое кетмайди. Ўша молу дунёнинг ўрнини Аллоҳ таоло бу дунёнинг ўзида дарҳол тўлдиради ёки охиратда ажру савоб беради. Буни қуйидаги ҳадисдан билиш мумкин.

عن أبي هريرة رضي الله عنه: أن النبي ﷺ قال: “ما من يوم يصبح العباد فيه إلا ملكان ينزلان فيقول أحدهما: اللهم أعط منفقا خلفا ويقول الآخر: اللهم أعط ممسكا تلفا”

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Бандалар тонг оттирган куннинг ҳар бирида иккита фаришта тушади. Улардан бири: “Ё Аллоҳ, инфоқ – эҳсон қилган кишига ўрнини қоплайдиган мол-давлат (баракот) бер деб, иккинчиси эса, хасис ва зикнанинг молига талафот бер, деб дуо қилади” (Муттафақун алайҳ).

Инсон қўлидаги молда бошқаларнинг ҳақи борлигини билса, хайр-эҳсон ва садақалар қилиб турса, ҳожатмандга ёрдам берса, мол-давлати янада зиёда бўлади. Чунки унинг молига Аллоҳ таоло барака беради.

Давлатманд бўлатуриб, хайр-эҳсонни билмаган кишилар молидан ҳам, умридан ҳам барака топмайди. Ушбу илоҳий қонидани асло унутмаслик керак.

6. ҲАЛОЛ МОЛ-ДАВЛАТ

Бараканинг муҳим омилларидан яна бири ҳалол йўл билан мол-давлат топишдир. Зеро, ҳалол йўл билан топилган мол-давлатни Аллоҳ таоло зиёда қилади. Ҳалол касб билан тирикчилик қилиб, шундай муҳитда тарбияланган фарзандлар ота-онаси ва эл-юртига кўп манфаат келтирувчи шахслар бўлиб етишади. Закот ва хайр-эҳсонларнинг ажр-савоби, фазли-баракоти ҳам фақат ҳалол молдан ҳосил бўлади. Аксинча, ҳаром йўллар билан топилган мол-давлатда барака бўлмайди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُزِيهِ الصَّدَقَاتِ

Яъни, “Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади”, (Бақара, 276).

Ушбу ояти каримада ҳаром ишлардан бири бўлган судхўрликдан қайтариб, шу йўл билан топилган мол-давлат йўқ қилиши хабари бериляпти. Бу ўринда “йўқ қилади” деб таржима қилинган ка-

лима араб тилида “секин-секин йўқ қилади, бирданига йўқ қилмайди”, деган маънода ишлатилади. Судхўрнинг мол-давлати беҳисоб кўпайиши мумкин, лекин куни келиб, Аллоҳ таоло уни баракасизлик билан йўқ қилади. Судхўрларни турли касалликларга дучор қилади, тинчлигини ва хотиржамлигини олади. Судхўрни ҳамма ёмон кўради, лаънатлайди.

عن عمرو بن العاص رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله ﷺ يقول: “ما من قوم يظهر فيهم الربا إلا أخذوا بالسنة. وما من قوم يظهر فيهم الرشأ إلا أخذوا بالربع”.

Амр ибн Осдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси қавмда судхўрлик ошкор бўлса, улар қурғоқчилик билан жазоланади, қайси қавмда порахўрлик ошкор бўлса, улар қўрқинч билан жазоланади”, деганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Бу дунё – имтиҳон ва синов дунёси. Аллоҳ таоло бандаларини бой-бадавлат ёки камбағаликда синайди. Ким бой-бадавлат бўлса, бу Аллоҳ талонинг яхши кўришига далил эмас. Аллоҳ таоло яхши кўрган бандасига ҳам, ёмон кўрган бандасига ҳам мол-давлат бераверади.

Ҳамма гап банданинг сабри, шукрида.

Ҳаромдан касб қилиш – инсон қалбини қорайтиради, иймон нуруни сўндиради. Ризқи ва умридан барака олинади, дуо ва илтижолари қабул бўлмайди. Ўғрилик, порахўрлик, судхўрлик ҳаром йўл билан касб қилишлик демакдирки, бу иллат-

лар давлат ва жамият учун нечоғли офат эканига изоҳ ортиқчалик қилади.

7. ЭРТА ТУРИШ

Ҳар ишни яхши ният билан эрта тонгда бош-лашнинг ҳикмати кўп. Ўқувчи эрта туриб дарсини ўқиса, илмида барака бўлади. Сафарга эрта туриш билан отланилса, кўзланган мақсадга етади. Бу тажрибадан ўтган жараёнлар. Эрта турган киши ўша куннинг баракасини сезади. Кеч турган ўша кунини йўқотганини сезиши даргумон. Акс ҳолда ғафлат босиб ухламасди.

عن صخر بن وداعة الغامدي رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ:
“اللهم بارك لأمتي في بكورها”

Соҳр ибн Вадоъа Ғомидийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, умматимга эрта туришида барака бергин”, деганлар (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Эрта турган кишига Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуоларининг баракоти бор.

عن فاطمة رضي الله عنها بنت النبي ﷺ قالت: مر بي رسول الله ﷺ وأنا مضطجعة فحركني برجله وقال: “يا بنية قومي وأشهدني رزق ربك ولا تكوني من الغافلين فإن الله تعالى يقسم أرزاق الله ما بين طلوع الفجر إلى طلوع الشمس”.

Фотима (розияллоҳу анҳо) айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мен ётганимда олдимдан ўтиб қолдилар. Шунда мени уйғотиш учун оёқлари билан туртдилар ва: “Эй қизгинам, тур ва Раббингнинг берадиган ризқига гувоҳ бўл, ғофиллардан бўлма. Албатта, Аллоҳ таоло тонг билан қуёш чиқиш орасида бандаларининг ризқини тақсимлайди”, дедилар (*Байҳақий ривояти*).

Эрта туришнинг баракаси ҳақида гап кетганда қўй билан ит қиёсан тилга олинади. Қўй олти ойда битта, баъзан иккита бола туғади. Ит эса уч ойда етти-саккизтагача кўпаяди. Қўйлар тинмай сўйиб ейилади, итнинг гўшти эса ҳаром. Шундай бўлсада, ит кўпаймайди, қўй кўпайиб кетаверади. Унинг баракали бўлишининг сабаби – қўй тонг вақтида ухламайди. Ит эса туни билан ҳуриб, субҳи содиқда ухлаб қолади.

Ўтган солҳлардан бири: “Субҳ намозини қуёш чиққандан кейин ўқийдиган кишининг қандай ризқланишидан ажабланиман”, деган эканлар.

8. СИЛАИ РАҲМ

Силаи раҳим араб тилидаги ибора бўлиб, ака-ука, опа-сингил ва қариндошлар ўртасидаги боғланиш, борди-келди қилиш маъносида ишлатилади. Зотан, ота-она, фарзандлар, ака-ука ва бошқа қариндошларнинг аҳил ва тинч-хотиржам яшаши дунёнинг файзи баракотидир.

Силаи раҳмнинг фазилати тўғрисида оят, ҳадис ва ривоятлар кўп.

Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

يَتَأْتِيهَا النَّاسُ أَتَقُوا رَبَّكُمْ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا
 زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ
 وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

“Эй одамлар! Сизларни бир жон (Одам) дан яратган ва ундан жуфти (Хавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан кўрқинг! Шунингдек, ўрталарингдаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан кўрқинг! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир” (Нисо, 1).

عن أنس رضي الله عنه: أن رسول الله ﷺ قال: “مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَسْطَلَ لَهُ
 فِي رِزْقِهِ أَوْ يَنْسَأَ لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ”

Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким ризқининг кенг бўлишини ва орқасидан асари қолишини яхши кўрса, силаи раҳм қилсин”, деганлар (Муттафақун алайҳ).

Демак, қариндош-уруғларга яхшилик, ёрдам ва хайр-эҳсон қилган одамнинг ризқини Аллоҳ таоло кенгайтириб қўяди. Шу билан бирга вафотидан кейин яхши ном ва хотира қолади.

قال ابن عمر رضي الله عنه: “مَنْ اتَّقَى وَوَصَلَ رَحِمَهُ نَسِيَءٌ لَهُ فِي عَمْرِهِ
 وَثَرِي مَالُهُ وَأَحِبُّهُ أَهْلُهُ”.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ким Раббисидан қўрқса (яъни амалларида тақво қилса) ва силаи раҳм қилса, унинг ажали орқага сурилади, моли кўпаяди, аҳли унга яхши кўрсатиб қўйилади”, деган (*Имом Бухорий “Ал-адаб ал-Муфррад” да ривоят қилган*).

Демак, ким Раббисидан қўрқиб, унинг буйруқларини бажарса, ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида силаи раҳм қилса, умри зиёда қилиниб, ажали орқага сурилади, дейилмоқда. Банданинг ажали орқага сурилиши умрга барака берилишидир.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: ”الرَّحِمُ شِجْنَةٌ مِنَ الرَّحْمَنِ فَقَالَ اللَّهُ: مَنْ وَصَلَكَ وَصَلْتَهُ وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتَهُ“.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “(Силаи) раҳм Раҳмон (исми)нинг бир бўлагидир, Аллоҳ (раҳмга) деди: Ким сени (маҳкам ушлаб) боғласа, мен ҳам унга (алоқамни) боғлайман, ким сени узса, мен ҳам ундан (алоқамни) узаман”, деб хабар берганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ким икки дунё саодатини ирода қилса, сила раҳмни кўпайтириши керак бўлади.

9. ИСТИХОРА ВА МАСЛАҲАТ

Барча хайр-барака Аллоҳнинг ҳузурида. Мусулмон кишининг муҳим ишга киришишидан олдин истихора намози ўқиши суннат. Истихора қилувчи Аллоҳ таолодан амалга оширмоқчи бўлган юму-

шини хайрли ва баракали бўлишини сўрайди. Бу намоз ибодат макруҳ бўлган вақтдан бошқа хоҳлаган пайтда икки ракат ўқиб, дуо қилиш билан адо қилинади.

عن جابر بن عبد الله رضي الله عنه قال: كان رسول الله ﷺ يعلمنا الاستخارة كما يعلمنا السورة من القرآن يقول لنا: ”إذا هم أحدكم بالأمر فليركع ركعتين من غير الفريضة وليقل: اللهم إني أستخيرك بعلمك وأستقدرك بقدرتك وأسألك من فضلك العظيم فإنك تقدر ولا أقدر وتعلم ولا أعلم وأنت علام الغيوب اللهم إن كنت تعلم أن هذا الأمر - يسميه بعينه الذي يريد - خير لي في ديني ومعاشي ومعادي وعاقبة أمري فاقدره لي ويسره لي وبارك لي فيه اللهم وإن كنت تعلمه شرا لي - مثل الأول - فاصرفني عنه واصرفه عني واقدر لي الخير حيث كان ثم رضني به“.

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) истихора қилишни худди Куръондан бир сурани таълим бергандек таълим берар эдилар. У зот бизга: «Сизлардан бирингиз қачон бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намозидан ташқари икки ракат намоз ўқисин. Намоздан сўнг: “Эй Раббим! Албатта, мен сендан илминг ила истихора қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Албатта, сен қодирсан, мен

қодир эмасман. Сен билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбларни билувчисан. Эй Раббим! Агар ушбу мен киришаётган иш диним, ҳаётим ва ишимнинг оқибати учун хайрли бўлса, уни менга тақдир қилгин, осон ва баракотлик қилгин. Агар ушбу иш диним, ҳаётим ва охиратим учун ёмон бўлса, уни мендан, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса, яхшилиқни тақдир қилгин. Сўнгра мени унга рози қилгин», деб дуо қилсин», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Истихора қилиш Аллоҳ таоло ихтиёр қилган нарсани сўраш ва Аллоҳ ихтиёр қилган нарсага ўзини топширишдир. Албатта, Аллоҳ таоло ихтиёр қилган нарса дунё ва охиратда банда ихтиёр қилган нарсадан кўра яхшироқдир.

Инсон бирор-бир хайрли, муҳим ишларга киришишидан, истихора қилишдан ҳам олдин ота-она, ёшлари улуғ ва аҳли илм, тажрибали кишилардан маслаҳат олиши лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаттоки уй ишларида ҳам саҳобалар билан бамаслаҳат иш қилар эдилар. Шунинг учун ҳикматларда: “маслаҳат билан иш қилган одам комил одам, маслаҳатсиз иш қиладиган одам ярим одам”, дейилади.

Истихора ва маслаҳат ишларга барака ва файз беради.

БАРАКАНИ КЕТКАЗУВЧИ ОМИЛЛАР

Банданинг ризқи ва файз-баракаси Аллоҳ таоло томонидан берилади. Банда гуноҳкор бўлса, Аллоҳ таолога исён қилса, унинг ҳаётидан файз-барака

кетaди. Хоссатан, ёлғон гапириш сабабли касб ва хунарнинг, молу давлатнинг баракаси кўтарилади. Банда ибодат ва дуо-илтижоларига эътиборсиз бўлса, ризқи камаяди. “Таълимул мутааллим” китобида қуйидагилар келтирилади: “Тонг пайтидаги уйқу, кўп ухлаш ҳам ризқ ва илмнинг камайишига сабаб бўлади. Шунингдек, яланғоч ётмоқ ва яланғоч бавл қилмоқ, яъни таҳорат синдирмоқ, ёнбошлаб ёки жанобат ҳолатида таом емоқ, нон ва таом ушоқларини хор тутмоқ, пиёз ёки саримсоқ пўстини оловда куйдирмоқ, кечасида уй супурмоқ, йиғинди-ахлатларни вақтида олмасдан уйда қолдирмоқ, йўлда улуғлар ва қариялардан олдин юрмоқ, ота-онани номлари билан чақирмоқ, турли чўплар билан тиш кавламоқ, тупроқ ёки лой билан қўл ювмоқ, остонага ўтирмоқ, ҳожатхонада таҳорат қилмоқ, либосни кийган ҳолда йиртиғини тикмоқ, устидаги кийим ва унинг этаги билан юз артмоқ, ўргимчак тўрларини уйдан олмаслик, сув ва таом идишларининг оғзини ёпмаслик, чироқни пуфлаб ўчирмоқ (чироқни пастлатиб ўчирмоқ лозим), синган қалам билан ёзмақ, синган тароқ билан соч тараш, ота-она ҳақида яхши дуо қилмаслик, ўтириб салла боғламоқ, шимни тик туриб киймоқ ризқни камайтирадиган амаллардан саналади”.

Ҳазрат Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳуға бир оз қайғу етганда: “Қўйлар орасидан ҳеч ҳам кесиб ўтмадим, қалам қириндисини босмадим, шалваримни ҳам тик туриб киймадим, бас, бу дард менга қаердан тегди?” дер эканлар.

Аҳли оила нафақасига танглик (қаттиқлик) қилмоқ, исроф қилмоқ, ибодатга бепарво бўлмоқ-

лик ҳам ризқ-рўзни камайтириб, камбағал ва бенаво бўлишга олиб келади.

Демак, ризқимиз улуғ, топганимиз баракотли бўлиши ўзимизнинг қўлимизда экан. Бундай амалларга харис бўлайлик.

ПУЛ ТОПИШ – МЕҲНАТ, САРФЛАШ САНЪАТ

Хайрли ҳаёт кечирешда ҳалол меҳнат билан молу давлат топиш аҳамиятли бўлганидек, жамғармани ўз ўрнида сарфлаш ҳам баракага сабаб бўлади.

Муқаддас Ислом дини мол-дунёга тўрт эътибордан қарайди:

1. Неъмат. Инсонга берилган мол-дунё неъматдир. Дунёнинг обод ва фаровонлиги мол-дунёнинг баракаси биландир. Банда берилган неъматга шукр қилса, савоб топади. Закот, ҳаж ва бошқа ибодатларни қилиш билан ажр олади. Ёрдамга мухтожларга хайр-эҳсон қилса, жаннатдаги даражаси кўтарилади. Неъматнинг шукри мол-давлатни ўз ўрнига сарфлашдир.

2. Омонат. Аллоҳ таоло инсоннинг қўлига мол-дунё тасарруфини омонат қилди. Ислом инсонга мол-дунё унга омонатлиги, ҳақиқий эгаси эса Аллоҳ таоло эканидан таълим берди. Чунки инсонни ҳам, мол-дунёни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Инсон эса Аллоҳ таолодан ризқ қилган нарсаларни сабабчи сифатида ўзгаларга сарфлайди. Инсоннинг омонатдорлиги шу.

3. Зарурат. Инсон еб-ичиш, кийиниш, маскан тутиш ва даволаниш каби нарсаларга эҳтиёжли қилиб яратилган. Бундай эҳтиёжларни амалга

оширишда мол-дунё талаб қилинади. Мол-дунё якка шахсга ҳам, жамиятга ҳам зарур бўлган нарсадир. Чунки якка шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам гуллаб яшнашида мол-дунёнинг ўрни беқиёс. Мол-дунёси бўлмаган умматни, мол-дунёси бўлмаган жамиятни, мол-дунёси бўлмаган давлатни иззатли, кучли, қудратли ва бахтли деб бўлмайди.

Демак, мол-дунё тўплашлик, жамлашлик лозим бўлган заруратдир.

4. Фитна. Мол-дунё баъзиларни алдайди, ғурурлантиради ва туғёнга етаклайди. Унинг бундай фитналаридан сақланиш лозим. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

“Сизларнинг мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фақат бир фитна (синов)дир. Улуғ мукофот эса Аллоҳнинг ҳузуридадир” (Тағобун, 15).

Мол-дунёнинг фитна эканини унутмай, уни фақат омонат тарзда сақлаб, ўз ўрнига сарфлаган барака билан яшайди. Мол-дунё фитнасига учраб, унга муҳаббат қўйган банда ҳаётнинг баракасини кўрмайди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўплаб ҳадиси муборақларида мол-мулкка шукр қилишга, ўз ўрнида сарфлашга, фитналаниб қолмасликка тарғиб қилганлар.

Имом Журжоний: “Мол-мулкни керакли ўринларда нафақа қилишда чегарадан чиқишни исроф”, деб таъкид қилган.

Абдуллоҳ ибн Аббос: “Ўринсиз жойга қилинган бир дирҳам нафақа исрофдир”, дейди.

Ривоят қилинишича, халифа Абдулмалик ибн Марвон қизлари Фотимани Умар ибн Абдулазизга турмушга бераётган пайтда куёвни синаб кўриш учун савол берган экан: “Эй Умар, таъминотингиз қандай бўлади?”. Умар ибн Абдулазиз: “Таъминотим икки ёмонлик ўртасидаги бир яхшилик бўлади”, дея қуйидаги оятни ўқибди: **“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир”** (Фурқон, 67). Халифа бу жавобдан хотиржам бўлибди.

Ҳикматларда айтилади: “Исрофда яхшилик йўқ, хайр-эҳсонда исроф йўқ”. Шунга кўра, инсон бор мол-мулкни савоб йўлларга сарфлаб тугатса-да, у исроф қилувчи бўлмайди. Аммо оз бўлса-да молини ҳаром ишга сарфласа, у исрофгарчиликка йўл қўйган бўлади.

ТАОМДАГИ БАРАКА

Таомларда барака бўлиши сабаблари ҳақида Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қатор ҳадислар келган.

عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله ﷺ يقول: “من أحب أن يكثر الله خير بيته فليتوضأ إذا حضر غذاؤه وإذا رفع”

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳ таоло хонадонида хайру бара-

кани кўпайтиришини истаса, таом ҳозир бўлган вақтда ва таомдан кейин қўл ювсин”, деганлар (*Ибн Можа ривояти*).

Таомдан олдин ва кейин қўл ювмоқлик мустаҳаб амал ҳисобланади. Таомдан олдин қўл ювиш ҳикмати шуки, тоза қўл ила тановул фойдали ва мазали бўлади. Иккинчидан, инсон ўз саломатлигини сақлайди. Инсоннинг соғ-саломат бўлиши – умрининг баракасидир.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: ”من بات وفي يده غمر لم يغسله فأصابه شيء فلا يلومن إلا نفسه“.

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким қўлини ювмасдан, қўлидаги (таомнинг) ёғи билан ухласа, сўнгра унга бирор мусибат етса, ўзидан кўрсин”, деганлар (*Термизий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Ҳаётда инсонлар қатори жинлар ҳам яшайди. Улар инсонлардан қолган суяклар билан озуқаланади. Шу билан бирга ювуқсиз идиш-товоқлар, ҳадисда айтилганидек, таомланишдан кейин ювилмаган қўлларга ҳам тегади. Шунинг учун бирор мусибат ва зарар етса, банда ўзидан кўришлиги баён қилинаяпти.

عن عائشة رضي الله عنها قالت: قال رسول الله ﷺ: ”إذا أكل أحدكم طعاما فليقل: بسم الله، فإن نسي في الأول، فليقل في الآخر: بسم الله في أوله وآخره“.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлардан бирингиз таом емоқни ирода қилса, “Бисмиллаҳ”, десин. Агар айтиш ҳаёлидан кўтарилиб қолса, эсига тушган замон “Бисмиллаҳи фи аввалиҳи ва ахириҳи”, десин”, деганлар (*Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Дастурхон устида “Басмала” айтилса шайтон қочади, таомга барака киради. Бошқаларга эслатмоқ учун “Басмала”ни бир киши баланд овозда айтиши ҳам мустаҳаб бўлади.

عن ابن عمر رضي الله عنه: أن رسول الله ﷺ قال: “إذا أكل أحدكم فليأكل بيمينه وإذا شرب فليشرب بيمينه فإن الشيطان يأكل بشماله ويشرب بشماله”

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қачон сизлардан бирингиз таом еса, ўнг қўли билан есин, ичимлик ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан ейди ва чап қўли билан ичади”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ишларни ўнг томондан бошлашни яхши кўрар эдилар. Шунингдек, емоқ, ичмоқ ва кийинишда ўнг қўлни ишлатар эдилар. Ўнг қўл билан емоқ ва ичмоқда барака бўлади. Чап қўли билан таомланган кишига шайтон шерик бўлади. Чап қўл билан заруратсиз таомланиш макруҳдир.

عبد الله بن عباس رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: “إذا أكل أحدكم

طعاماً فلا يأكل من أعلى الصَّحفة ولكن ليأكل من أسفلها
فإن البركة تنزل من أعلاها“.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қачон сизлардан бирингиз таом еса, идишини устидан емасин (яъни таомнинг ўртасидан емасин), балки бир четидан есин. Албатта, барака таомнинг устига тушади”, деганлар (Абу Довуд ривояти).

Кўпчилик билан дастурхон атрофида таомланишда ҳар ким ўз олдидан, таомнинг бир четидан тановул қилса, барака тушиб туради. Аммо мевалар турли хил бўлиб, ўзининг олдида бўлмаган мевани хоҳлаган томондан олиши дуруст.

عن عمر بن الخطاب رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: “كلوا جميعاً ولا تفرقوا فإن طعام الواحد يكفي الاثنين وطعام الاثنين يكفي الثلاثة والأربعة كلوا جميعاً ولا تفرقوا فإن البركة في الجماعة“.

Умар ибн Хаттобдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жамоат бўлиб таомланинглар! Таомланишда бўлак-бўлак бўлманглар! Жамоат бўлганда бир кишининг таоми икки кишига кифоя қилади. Икки кишининг таоми уч кишига кифоя қилади, уч кишининг таоми тўрт кишига етади. Жамоат бўлиб таомланинглар! Таомланишда бўлак-бўлак таомланманглар! Албатта, барака жамоатдадир”, деганлар (Аскарий “Маваъиз”да ривоят қилган).

Бирга таомланганлар ўртасида дўстлик ва меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Иброҳим алайҳис-саломнинг ёлғиз овқатланмаганлиги, доим меҳмон ва шерик билан таомлангани учун Аллоҳ таоло яхши кўрди. Шунинг учун Иброҳим Халилуллоҳ, яъни Аллоҳни дўсти дейилади. Инсон ёлғиз таомланса, барака кетади.

عن جابر رضي الله عنه قال: قال النبي ﷺ: "إذا أكل أحدكم طعاما فلا يمسح يده بمنديل حتى يلعبها فإنه لا يدري في أي طعامه يبارك له".

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар сизлардан бирингиз таомланса, қўлини яламасдан сочиққа артмасин. Чунки барака қайси таомдалигини билмайди”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Дехқонлар орасида “Барака доннинг ҳаммасида эмас, биттасида”, деган нақл бор. Шу нақлга кўра, улар донни сочмасдан-тўкмасдан, бир донасини бўлса ҳам йиғиб-териб олишга ҳаракат қиладилар. Таомдаги барака ҳам ёғли қўлни сочиққа артмасдан, олдин ялаб, сўнг артиш билан бўлади. Шунингдек, дастурхон устига тушган таом ва ушоқларни териб емоқдан ҳам барака ва савоб ҳосил бўлади.

وعن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه قال: كان رسول الله ﷺ إذا فرغ من طعامه قال: "الحمد لله الذي أطعمنا وسقانا وجعلنا مسلمين".

Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таомдан фориғ бўлса: “Бизни таомлантирган, сув билан суғорган ва мусулмон қилган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин”, деб дуо қилар эдилар (*Термизий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти*).

Таомдан сўнг унинг шукрини қилиш, ризқ берган Зотга ҳамд айтиш – неъматни янада зиёда бўлишига сабабдир.

ДУОНИНГ БАРАКОТИ

Дуо сўзи луғатда “чақирмоқ”, “талаб қилмоқ”, “тарғиб қилмоқ” маъноларини билдиради.

Истилоҳда: “Банда Аллоҳ таолога муҳтожликни изҳор қилиб, Ундан ёрдам ва иноят сўрашидир”.

Дуо – бандалик белгиси. Дуода Аллоҳ таолога мактов изҳор этиш ҳамда Аллоҳ таолога сахийлик ва карам сифатларини нисбат бериш бор.

Дуо энг гўзал ва энг олий ибодатлардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ

«**Парвардигорингиз: “Менга дуо қилинг, Мен сизлар учун (дуоларингни) ижобат қилай!”**, деди» (*Ғофир, 60*).

عن سلمان رضي الله عنه قال: أن النبي ﷺ قال: “لا يرد القضاء إلا بالدعاء ولا يزيد في العمر إلا البر.”

Салмондан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Қазои-қадарни фақат дуо қайтаради, умрни фақат яхши амал зиёда қилади”, дедилар (*Термизий ривояти*).

Ушбу ҳадиси шарифдаги “Қазои-қадарни фақат дуо қайтаради” жумласининг маъноси, албатта, дуо сабабли қазои-қадар ўзгаришининг ўзи ҳам қазои қадардандир. Қазои қадар банданинг дуо ва илтижолари билан мусибати кетиши ёки енгил бўлишидир. Бу ҳол Аллоҳ таолонинг илми ва тақдиридир. Тақдирда нима борлиги бандага маълум эмас. Банда қорни оч қолса – овқатланишга, касал бўлса – даволанишга муҳтож бўлганидек, доим Раббисидан талабини сўраб, дуо-илтижолар қилишга муҳтож.

Аллоҳ таоло яхши амаллар умрнинг узоқ бўлишига, дуони эса балоларни даф бўлишига сабаб қилган. Уламоларимиз дуони қалқонга, балони эса камон ўқига қиёс қилганлар.

Аллоҳ таоло ўз бандасини синов учун имтиҳон қилади. Катта ва кичик неъматлар ҳам, мусибатлар ҳам имтиҳондир аслида. Банда неъматга шукр, мусибатга дуо ва илтижолар ила сабр қилса, зафар топади. Берилган неъматга ношукрлик ёки мусибат имтиҳон эканини эсдан чиқариб, “мен сенга нима ёмонлик қилдим”, каби гаплар билан исён қилса, гуноҳкор бўлади.

Тақдирда бандага тушиши тайин қилинган бало ва офатлар дуо сабабли енгил бўлади ва савоб олади.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: أن النبي ﷺ قال: “من لم يسأل الله
يغضب عليه“

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳ ундан ғазабланади”, деганлар *(Термизий ва Ибн Можа ривояти)*.

Чунки банда Аллоҳдан бирор нарса сўрамас экан, у бу иши билан ўзини беҳожат санаб, такаббурлик қилган бўлади. Аллоҳ таоло Унинг фазлидан сўраганларни яхши кўради.

Аллоҳ таолодан ҳар доим баракот сўраш Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янги оила қурган кишиларга баракот сўрар, янги ҳилол – ойни кўрсалар, Аллоҳ таолодан бизни тинч ва баракотли қилгин, деб дуо қилар эдилар.

Мусулмон киши ўз нафсига, умрига, дунё ва охиратига, мол-давлатига ҳамма вақт хайр-баракани сўраши лозим. Шу билан бирга ота-онаси, аҳли аёли, фарзандлари ва бошқаларнинг ҳақиға дуода бўлиши ҳам фазилатдир. Яшаб турган манзилмакон, азиз юрт тинчлиги, обод ва фаровонлигини, ҳар хил балою кулфатлардан паноҳ сўраш дуо мағзидир.

عن أبي هريرة رضي الله عنه: كان الناس إذا رأوا أول الثمر جاءوا به إلى رسول الله ﷺ، فإذا أخذه رسول الله ﷺ قال: ”اللهم بارك لنا في ثمرنا وبارك لنا في مدينتنا وبارك لنا في صاعنا وبارك لنا في مدنا. اللهم إن إبراهيم عبدك وخليلك ونبيك وإني عبدك

ونبيك وإنه دعاك لمكة وإني أدعوك للمدينة بمثل ما دعاك به لمكة
ومثله معه“. ثم قال: يدعو أصغر وليد له فيعطيه ذلك الثمر.

Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Одамлар қачон меванинг аввалини кўрсалар, уни Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келар эдилар. У зот мевани олиб: “Аллоҳим! Бизга меваларимизда барака бергин. Бизга Мадинамизда барака бергин. Бизга соъимизда, муддимизда (яъни савдоларимизда) барака бергин. Аллоҳим! Албатта, Иброҳим сенинг банданг, сенинг дўстинг ва сенинг набийингдир. Албатта, мен ҳам сени банданг ва набийингдирман. Албатта, у Сенга Макка учун дуо қилди. Унинг Макка учун дуо қилгани ва яна унинг мислича мен сенга Мадина учун дуо қиламан”, дер эдилар. Сўнг ўзлари кўрган энг кичик болани чақириб, ўша мевани берар эдилар” (*Муслим ривояти*).

Бизнинг улуғ аждодларимиз бу юртнинг ҳақи-га кўп дуолар қилиб ўтди. Уларнинг қилган дуоларини баракотидан бугун юртимиз озод ва ҳур, обод ва тинч, халқимиз фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Юртимиз ҳар томонлама тараққий этиб бормоқда.

Пировардида, биз ҳам дуога қўл очамиз: Алҳамдулиллаҳ. Аллоҳ таоло юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкам қилсин, тинчлик ва хотир-жамликни бардавом айласин, халқимизнинг турмуши яна-да обод бўлсин. Омин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони Карим.
2. Фахриддин Розий. “Мафатиҳул ғойб” (Тафсирур Ро-зий), «Дорул фикр» Байрут. 1981.
3. Абулбарокат Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Наса-фий. “Тафсирун Насафий”. Тошкент, 1989.
4. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. “Шарқ”. Тошкент, 2008.
5. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Тошкент. “Тошкент Ислом Университети” наш-риёти. 2001.
6. Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Шарқ”, 2008.
7. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Саҳиҳи Бухорий” Тошкент, 1973.
8. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “ал-Адаб ал-Муфрад” Тошкент. “Тошкент Ислом Университети нашриёти”, 2012.
9. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. “Сунани Терми-зий”, “Дорул ҳадис”. Қоҳира, 2008.
10. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Табризий. “Мишкотул Масо-биҳ”. «Дорул фикр». Байрут, 2001.
11. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. “Мирқотул Мафо-тиҳ шарҳ Мишкотил Масобих”. «Дорул фикр». Байрут, 1994.
12. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. “Шарҳ айнул илми ва зайнул ҳилм”. Қозон, 1907.
13. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Мавардий. “Адабуд Дунё вад Дин”, “Дор кутубил илмия”. Байрут, 1993.
14. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Умар. “Ал-Баракату фи фазли ас-саъй вал ҳаракат”. «Дорул Минҳож», 2009.
15. Абу Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий. “Рабиъул Аброр ва фусулул ахбор”. «Дор кутубил илмия». Байрут, 2006.
16. Доктор Ваҳба Зухайли. “Ал-Муомалат ал-молият ал-муъосира”, «Дорул фикр». Байрут, 2009.

17. *Муҳаммад Аҳмад Ҳилолий*. “Ал мавсуатуз заҳабийя мин қисосил воқеийя”. “Мақтабату ибадур Роҳман”. Миср, 2005.

18. *Абдураҳмон ибн Абдусалом*. “Нузҳатул мажолис ва мунтахабул нафоис”, “Дорул Баёнул арабий”, 2005.

19. *Юсуф Қарзовий*. “Ал ийман вал ҳаят”, “Мақтабату Ваҳба”. Қоҳира, 2006.

20. *Бурҳонул Ислоҳ Зарнужий*. “Таълимул мутаъаллим тариқут таъаллум”. Қозон, 2008.

21. *Юсуф Хос Ҳожиб*. “Қутадғу билиг”. “Юлдузча”. Тошкент, 1990.

22. *Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Одоблар хазинаси”, Тошкент. “Шарқ”, 2011.

23. *Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Ижтимоий одоблар”, Тошкент. “Шарқ”, 2012.

24. *Муҳаммад Шоҳмуродзода, Фазлиддин Караматулло*. “Таомланиш одоби”. Тошкент. “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005 й.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Билим ва ҳунар инсоннинг доимий ҳамроҳидир.....	7
Ҳунардан барака унар.....	11
Эртадан умидинг бўлмаса, келажакка қизиқишинг ҳам бўлмайди.....	14
Савдодаги барака	16
Богбон боғни юрагида кўкартиради.....	19
Чорвадорнинг бугунги бири, эртанинг иккисидир	22
Бараканинг сабаблари.....	25
1. Тақво.....	25
2. Тавба ва истиғфор	27
3. Шукр.....	30
4. Аллоҳ таолога таваккал.....	32
5. Аллоҳ таоло йўлида хайр-эҳсон.....	34
6. Ҳалол мол-давлат.....	37
7. Эрта туриш.....	39
8. Силаи раҳм.....	40
9. Истихора ва маслаҳат.....	42
Баракани кетказувчи омилар	44
Пул топиш – меҳнат, сарфлаш санъат	46
Таомдаги барака	48
Дуонинг баракоти.....	53
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	57

Диний-ижтимоий нашр

Жалолиддин ХОЛМУМИНОВ

БАРАКАНИНГ СИРИ

Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз МАНСУР
Муҳаррирлар Турсунали АКБАРОВ
Муҳаммад Сиддиқ МУКАРРАМ
Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли
Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ
Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 16 октябрда берилди. Босишга 2013 йил 18 октябрда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,51. Шартли б. т.: 3,75. Адади: 3000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй.

Тел: 244-00-91 Факс: 244-00-65

E-mail: *info@tiu.uz*